

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «28» 11

723-3-46-ХТ/2022-

сон

Ш.

Шароф Рашидов туман Халқ таълими бўлими (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Бюджет асосида фаолият юритувчи раҳбари Д.Носиров ва MALIKA-MOHINUR BUILDING МЧЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Ш.Хайдаров мазкур пудрат шартномасини қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топширигига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Жиззах вилояти Ш.Рашидов туман Халқ таълими бўлимига қарашли 9-умумий ўрта таълим мактабининг жорий тамирлаши.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 %и миқдорида бунақ туловларини амалга оширади. Ишларин қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Газначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойиҳага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириш;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш. 3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника ҳавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган найтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблаш ишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар нотаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисминини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи

пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 898 000 000 (Саккиз юз тўқсон саккиз миллион) сўмни ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик қоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва қелишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар қелишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жинззах шаҳрида жойлашган Жинззах туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқишга топширади.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Ҳазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг қелишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сустраси билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;
-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;
-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Коррупсияга қарши шартлашув.

9.1 Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупсияга қарши тегишли шартлар

ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишни кафолатлайди. 9.2 Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корxonанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корxonанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупсияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

10. Яқиний қондалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг қучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3 Шартномага

илова _____

11. Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари:

Пудратчи:

MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MЧЖ
 Манзил: Жиззах ш Бобур МФЙ А.Қодиров
 қўчаси 5- уй
 Тел./факс: +998 98 261 13 93
 (х/р): 2020 8000 9050 7771 7001
 Банкноми: АТ Алокабанк Жиззах ф
 МФО: 01026
 СТИР: 306 430 039
 ИФУТ:

Рахбар: Ш.Хайдаров



Буйрутмачи

Шароф Рашидов туман ХТБ
 Манзил: Ш.Рашидов тумани Уч-тепа
 3дахаси
 ШҒХ* 401722860082127092100075019
 Ташкилотнинг СТИРи: 201 369 776
 Шароф Рашидов тумани бўйича
 Ғазначилик бўлинмаси
ЯҒХ 23 402 000 300 100 001 010
 Банк номи: Марказий банкнинг
 Тошкент шаҳар Бош бошқармаси
 Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
 МФО: 00014
 Ғазначилик бўлинмасининг
 СТИРи: 201 122 919

Рахбар: Д.Носиров



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA HUQUQIY
XULOSA**

OB3122066828

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Sharof Rashidov tuman 9-sonli umumta'lim maktabini "MALIKA-MOHINUR BUILDINGS" MCHJ tomonidan joriy tamirlash ishlarini amalga oshirish to'g'risida.

Shartnomaning bahosi 898 000 000 (Sakkiz yuz to'qson sakkiz million) so'm.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Sharof Rashidov tumani xalq ta'limi tomonidan 26.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Sharof Rashidov
tumani yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:



A.S.MUXTAROV

28.11.2022